


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 7 июль, № 132 (5299) Пайшанба


# МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ САМАРАСИ

**фидойи меҳнат ва илғор тажрибаларнинг уйғунлигида намоён бўлади**






***Истиқлол йилларида юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар самаралари тараққиётнинг "ўзбек модели" нақадар ҳаётбахш қудратга эга эканини кун сайин исботлаётир. Ўтган йигирма йиллик қисқа давр ичида асрларга менгзагулик мўъжизавий ютуқларга эришганимиз мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган оқилона сиёсат натижасидир, десак, асло муболаға бўлмайди.***

Хусусан, иқтисодиётимизнинг жадал суръатларда ривожланишида, айниқса, кичик бизнес субъектларининг улуши салмоқли бўлаётир. Чунки бу соҳа давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланаётгани туфайли улар ички бозорни рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдириш, экспорт ҳажмини ошириш борасида ташаббусни қўлга олишмоқда. Урганч шаҳридаги "Al — Bevazim Elektrik" илмий-ишлаб чиқариш электротехника корхонаси фаолияти бунга яққол мисолдир.

Мазкур корхона 2001 йилда ташкил этилган бўлиб, юқори ва паст кучланишли кичик трансформатор станциялари, электр двигателлари ишлаб чиқариш ва уларни таъмирлашга ихтисослаштирилган. Ҳозирги кунда 80 киши меҳнат қилаётган жамоада ана шундай маҳсулотларнинг 15 тури тайёрланаяпти.

Корхонада модернизациялаш ишларига алоҳида эътибор қаратилиб, ишлаб чиқаришга янги технологияларнинг изчил жорий қилинаётгани иш унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш имкониятини яратаяпти. Натижада 2008 йилда Халқаро "ISO 9001:2008" мувофиқлик сертификати қўлга киритилди.

(Давоми 2-бетда).

**КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар**

***Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда ўтказилган қўшма мажлисида Президентимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси давлатчилигимиз тарихида яна бир янги ва ёрқин саҳифани бошлаб берди. Негаки, ушбу дастуриламал ҳужжат мамлакатимиз аҳолиси сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва сиёсий онги ўсиб бораётган, жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнлари жадал ривожланаётган бир даврда ҳаётга татбиқ этилмоқда.***

## ПАРЛАМЕНТ ЭШИТУВИ – ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИНИНГ ТАЪСИРЧАН ИНСТИТУТИ

Айниқса, Концепция асосида "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)"ги Қонуннинг қабул қилингани ҳамда ҳаётга жорий этила бошлангани парламент, хусусан, Сенат фаолиятини ҳам сифат, ҳам мазмун-моҳият жиҳатидан янги босқичга кўтарди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Сенатнинг, хусусан, унинг қўмиталари назорат фаолиятини янада такомиллаштириш, бунда, энг аввало, таъсирчанлик ва самарадорликни юқори даражада таъминлашга эришиш бугунги фаолиятимизнинг устувор йўналишларидан бирига айланган. Зеро, дунё давлатчилиги тажрибаси шундан далолат берадики, яхши, мукаммал қонунлар қабул қилинса-ю, лекин улар амалиётга сўзсиз татбиқ этилмаса, бу жамият учун фақат зарар келтиради, айниқса, жамият аъзоларида қонунлар расмиятчилик учунгина қабул қилинган, деган нотўғри хулоса юзага келади.

(Давоми 2-бетда).

## ТАРАҚҚИЁТНИНГ «ЎЗБЕК МОДЕЛИ» КЕНГ ЎРГАНИЛМОҚДА

***Ўзбекистон Республикасининг Бангкокдаги дипломатик ваколатхонасида "Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида "ўзбек модели" ва мустақиллик йилларида босқичма-босқич амалга оширилган ислоҳотларнинг натижалари" мавзуида тадбир бўлиб ўтди. Унда Таиланд давлатининг иқтисодиёт муассасалари, сайёҳлик компаниялари ва ишбилармон доиралари вакиллари қатнашди.***

**Биз ва жаҳон**

Тадбирда иштирокчилар Ўзбекистоннинг истиқлол йилларида ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий соҳаларда қўлга киритган ютуқлари, "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳамда чет эллик ишбилармонлар учун яратилган шароитлар билан батафсил таништирилди.

Қатнашчилар 2010 йилда Ўзбекистонда эришилган макроиқтисодий кўрсаткичларни юқори баҳолашди. Уларнинг фикрича, бундай иқтисодий ўсиш мамлакат тараққиёти барча тармоқлар бўйича барқарор ҳамда мутаносиб тарзда ривожланаётганини англатади.

Ўзбекистон ва Таиланд ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ҳақида гап кетар экан, иштирокчилар бу борада ҳар иккала томонда ҳам улкан имкониятлар мавжудлигини таъкидлаб, таиландлик ишбилармон доиралар вакиллари иштирокида ўтказилаётган бу каби тадбирлар икки томонлама иқтисодий ва сармоявий алоқаларни жадаллаштиришга хизмат қилишини алоҳида қайд этишди.

Хусусан, **Таиланд парламенти қуйи палатасининг Ижтимоий фаровонлик масалалари қўмитаси раиси С. Чароенчанг** мамлакатларимиз ўртасидаги барча соҳаларда олиб борилаётган ҳамкорлик муносабатлари йилдан-йилга мустаҳкамланаётганини эътироф этди.

(Давоми 2-бетда).

**Июль-август — ҳосил тақдирини ҳал қилувчи ой**

***Сурхондарё вилоятида бу йил 2882 та фермер хўжалиги 119600 гектар майдонда ғўза парваришлаяпти. Шартнома мажбуриятига кўра, улар гектаридан 28 центнердан ҳосил кўтариб, 335 минг тонналик "оқ олтин" хирмони яратиши керак.***

## БУГУНГИ ҲАРАКАТ – ЭРТАНГИ БАРАКАТ

Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси пахтачилик бўлими бошлиғи Алишер Исмоиловнинг айтишича, ҳосил тўплаш борасида шу кунгача амалга оширилган ишлар агротехника меъёрларига мувофиқ келади. Кўчатлар бехато ундириб олинган. Минерал ўғит билан озиқлантириш эса ниҳоясига етказилди. Айни пайтда 2680 та культиватор қувватидан самарали фойдаланилаяпти. Натижада ҳозирги кунда ҳар туп ғўзада ўртача 12-15 тадан соғлом ҳосил нишоналари шаклланди.

— Бироқ пахтакорлар учун энг масъулиятли, хирмон тақдирини ҳал қилувчи дамлар энди бошланди, — дейди Ангор туманидаги "Саид Носирхон" фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони Исахон Баҳромов. — Айтмоқчиманки, июль-август ойларида улар икки карра кўпроқ ишлаши керак. Биринчидан, бор ҳосилни сақлаб қолиш, иккинчидан эса, ҳосилга ҳосил қўшиш лозим. Бунинг учун ғўзага қувват бахш этиш зарур. Маҳаллий ўғит, сифатли ишлов, сув, зараркунанда ҳашаротларга қарши кураш, чеканка — булар бирибирининг ўрнини тўлдира олмайдиган муҳим юмушлар. Деҳқон уларни амалга оширишда озгина эътиборсизлик қилса борми, унинг йил — ўн икки ойлик меҳнати зое кетиши мумкин.

Қумқўрғон туманидаги "Гулистон МНЗ" фермер хўжалигининг раҳбари Маннон Неъматов ҳамкасбининг ана шу тажрибаларига таянади. Ўтган йили 100 гектар ердан 500 тоннадан ошириб ҳосил олинган эди.

(Давоми 2-бетда).

## БЕҚИЁС АРДОҚДАН КЎНГИЛ ЧАРОҒОН

***Аёлнинг бахти нимада? Катта-кичик davраларда бу саволни менга кўп беришади. Бу саволга мен "Энг аввало, унинг она деган буюк номга сазовор бўлишида, юртимиз тинчлигида, фарзандларимиз омонлигида", дея жавоб бераман ҳар доим.***

Дарҳақиқат, аёлга жуда кўп нарса керак эмас. Ўзимдан қиёс, ҳар куни тонгни мусаффо осмон остида қаршилаб, ўғил-қизларим, набираларимни ёнимга олганча хотиржам ишга ошиқаман. Эртанги кундан кўнглим тўқ.

Аслида, аёлни ардоқлаган юрт сира кам бўлмайди. Бу оддий ҳақиқатга мисолни узоқдан қидириш шарт эмас. Атрофга қаранг, ҳаётнинг қай бир жабҳасида аёлларнинг иштироки йўқ. Илм-фан, ишлаб чиқариш, бошқарув соҳасида фидойилик кўрсатаётган опа-сингилларимизнинг иқтидор ва истеъдодини намойиш қилишига эса айнан Истиқлол йўл очиб берди. Яна бир муҳим жиҳати, улар меҳнати қадр топаяпти. Эътибор беринг, вилоятимиздан мамлакатимизнинг олий мукофоти — Ўзбекистон Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган тўрт нафар фуқаронинг учтаси аёлдир. Мен ва икки дугонамнинг кўксини безаган "Олтин Юлдуз" бизга кўрсатилаётган иззат-икром, эҳтиромнинг ёрқин намунаси эмасми?!

Кўпинча ўзимга ўзим савол бераман: кеча ким эдигу бугун киммиз? Оддийгина кетмончи деҳқоннинг қизи ота изидан бориб, йил — ўн икки ой дала кезсам-да, у замонда косамиз оқармади.

**Дил сўзи**

Топгани рўзғорга зўр-базўр етган ўша кетмончи фарзанди бугун ер эгаси, мулкдорман. Ҳар куни эрталаб фарзандларим билан "Дамас"да далага отланамиз. Фермер хўжалигимиздан олаётган даромадимиз нафақат оиламиз, балки ўттиз тўрт кишилик кичик жамоамиз рўзғорига барака киритаяпти. Шўролар даврида пахтадан бошқа нарсани билмай, уйимиз остонасигача чигит эккан бўлсак, эндиликда буғдойимизни ўзимиз етиштираяпмиз. Мана, бу йил ҳам 31 гектар ерда мўл-кўл дон етиштирдик. 115 тоннасини шартнома асосида давлатга топширдик. Қолгани ўз ихтиёримизда. 34 нафар ишчининг ҳар бирига бир тоннадан дон ажратиб бердик. Ғалланинг баракасидан нафақат омборимиз донга тўлди, балки даромадимиз юксалди. Дастлабки ҳисоб-китобга қараганда, ғалланинг ўзидан 50 миллион сўмга яқин пул ишлабмиз. Айни чоғда ўримни ниҳоясига етказиш билан бирга, ғўза парваришини ҳам астойдил олиб бораяпмиз.

Бугун бутун Ўзбекистон катта тўйга ҳозирланаётган қутли хонадонга айланган гўё. Байрамларнинг сараси — Истиқлол тантаналарини йигирманчи бор нишонлашга тайёрланаяпмиз. Озодлик, эркинлик деб аталмиш азиз неъматлар тотини юрак-юракдан туйган халқимизнинг шашти баланд. Шундай паллада бунёдкор эл орасида ўз ўрнига эга бир инсон сифатида ўзимни ҳар қачонгидан бахтиёр сезаман.

**Халчахон МИРЗАЕВА,**
**Ўзбекистон Қаҳрамони, Тўрақўрғон туманидаги «Ҳадича ая» фермер хўжалиги раҳбари.**

**Бир рақам шарҳи**

## Кичик бизнесга улкан молиявий кўмак

Мамлакатимизда **2011** йилнинг биринчи чорагида кичик бизнесга ажратилган кредитлар ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан **1,4** **баробарга ошди.**

Тадбиркорликни йўлга қўйиб, бизнес лойиҳанинг тўла-тўкис амалга оширилиши, кўп жиҳатдан, инвестицияга боғлиқ, албатта. Шу боис республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг молиявий-моддий ресурслардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада уларнинг сафи тобора кенгайиб, иқтисодиётимиз тараққиётида етакчи кучга айланаётир.

Бунда, табиийки, "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурида хусусий тадбиркорларнинг ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жорий этиш, фаолият кўламини кенгайтириш, хом ашё харид қилишга қаратилган инвестициявий лойиҳаларини молиялаштириш бўйича муайян вазифалар белгилаб берилгани муҳим омил бўлаётир. Хусусан, мамлакатимиз тижорат банклари томонидан мазкур дастурнинг ижросини таъминлаш мақсадида шу йилнинг биринчи чорагида 865,9 миллиард сўм маблағ йўналтирилди. Бу — ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан қарийб 1,5 баробар кўп. Шундан 159,8 миллиард сўми микрокредитлар эканлиги, айниқса, диққатга сазовордир.

# МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ



**Воқеалар, янгиликлар, хабарлар**



## Хом ашёдан тайёр маҳсулот

***АНДИЖОН шаҳридаги "Фаворит Интер Текс" масъулияти чекланган жамиятида хориждан келтирилган замонавий технологиялар ёрдамида матога гул босиш йўлга қўйилди.***

Қиймати 400 миллион сўмлик мазкур лойиҳа амалга оширилиши билан қўшимча 25 та иш ўрни яратилди. Корхона ишчилари ўтган қисқа муддатда дастлабки 30 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрлаб, савдо шохобчаларига етказиб бердилар.

Вилоятда жорий йилнинг биринчи чорагида 979 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсата бошлади. Натижада 36 минг 133 та иш ўрни яратилди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Замонавий технология шарофати

***СУРХОНДАРЁ. "Шўрчидон маҳсулотлари" очиқ акциядорлик жамиятида кенг кўламли модернизация тадбирлари амалга оширилмоқда.***

Хусусан, корхонага Германияда ишлаб чиқарилган уруғлик буғдой саралаш технологияси келтириб ўрнатилди. Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун банкнинг 875 миллион 998 минг сўмлик кредитидан самарали фойдаланилди. Қўшимча 43 та иш ўрни яратилган жамиятда бугун бир кечакундузда 240 тоннагача сара уруғлик тайёрланмоқда.

Шунингдек, вилоятнинг Жарқўрғон, Шеробод ва Термиз туманларида ҳам мазкур технологиялар ёрдамида уруғлик буғдой тайёрлаш йўлга қўйилди.

**У. ОЛИМЖОНОВ.**

## Балиқчилик хўжаликлари кўпаймоқда

**ЖИЗЗАХ** туманидаги "Учтепа балиғи" фермер хўжалиги жамоаси 5 минг гектарлик табиий сув ҳавзаси ҳамда 30 гектарлик сунъий кўлда луқмаи ҳалол етиштиришни йўлга қўйган эди. 15 киши меҳнат қилаётган мазкур хўжаликда ҳозиргача 40 тоннадан ортиқ балиқ овланиб, тайёрлов корхоналари ҳамда савдо шохобчаларига етказиб берилди.

Умуман, жорий йилда вилоятда маҳаллий дастур бўйича 77 та балиқчилик хўжалиги ташкил қилиш учун жами 1,5 миллиард сўмлик сармоя йўналтирилган бўлиб, 2 минг тоннадан ортиқ балиқ етиштирилиши режалаштирилган.

**У. АДИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Сифатли ва харидоргир

***ҚАШҚАДАРЁ. Ғузор туманининг Чўнғар қишлоғидаги "Файз Мустонов" корхонасида замонавий ускуналар асосида мебель, эшик ва дераза ромлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган янги технологик линия ишга туширилди.***

Ҳозир 10 та қўшимча иш ўрни яратилган ушбу цехда дастлабки 30 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилди.

**А. МУҲАММАДИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***ЖОНДОР туманидаги "Охших" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида ҳунармандчилик жадал ривожланиб бормоқда. Диван, шкаф, стол-стул, хонтахта каби мебель маҳсулотлари тайёрлаш билан машғул усталару уларнинг шогирдлари меҳнатини кўриб, ҳудудда бутун бошли мебелсозлар сулоласи вужудга келганига амин бўласиз.***

## Изланиш омад келтирди

Бобуржон Раҳматов ана шуларнинг бири. Ҳали ёш. Эндигина 29 ёшга қадам қўйди. Мебель маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Платина плюс качество" хусусий корхонасини барпо этганига ҳам кўп вақт бўлгани йўқ.

— Бу ҳунарни отамдан ўрганганман, — дейди у Пахтаобод қишлоғида моҳир уста сифатида танилган Асрор ака Раҳматовни назарда тутиб. — Ўтган йили корхонамизда беш киши ишларди. Бу йил улар ўн нафарга етиб қолди. Кўриб турганингиздек, маҳсулотларимизнинг сифати яхши, нархи ҳамёнбоп. Ускуналаримиз замонавий.

(Давоми 2-бетда).

# ПАРЛАМЕНТ ЭШИТУВИ – ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИНИНГ ТАЪСИРЧАН ИНСТИТУТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълумки, қонунлар ижроси устидан самарали назоратни амалга оширишда, энг аввало, қонун чиқарувчи орган — парламентнинг ўрни ва роли беқиёсдир. Зеро, парламент назорати қонун ҳужжатлари таъсирчанлигини ошириш ва айни чоғда жамиятда ҳуқуқий эҳтиёжларни тезда аниқлашнинг самарали воситасидир.

Парламент назоратининг мана шундай муҳим шаклларидан бири — парламент эшитувидир. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, парламент палаталари фаолиятини тартибга солувчи қонунлар ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда парламент эшитуви институтининг ҳуқуқий асослари мустаҳкамлаб қўйилгани муҳим аҳамиятга эга. Жумладан, Асосий Қонунимизнинг 78-моддаси 15-бандига мувофиқ, парламентнинг ҳар иккала палатаси мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш ваколатига эга. Конституциянинг 80-моддасида эса, Олий Мажлис Сенатининг мутлақ ваколатлари сифатида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раисининг ҳисоботларини эшитиши белгиланган.

Сенат назорат ваколатларини амалга оширишга оид бу конституциявий қоидалар, уларни қўллаш тартиблари “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Конституциявий қонунда, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида”ги Қонунда, Сенат Кенгашининг қарори билан тасдиқланган тегишли ҳужжатларда тўлиқ ифода этилган.

Концепция моҳиятидан келиб чиқиб такомиллаштирилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан парламент эшитувларини тайёрлаш, ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом қоидаларига биноан, юқори палатада парламент эшитувлари мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда умумдавлат ва минтақавий манфаатлар мувозанатини таъминлашга доир Сенат ваколатига киритилган энг долзарб ва муҳим масалаларни ҳал қилиш мақсадида ўтказилади. Парламент эшитувлари Сенат ялпи мажлисларида, Сенат Кенгаши ёхуд Сенат қўмитаси ёки комиссияси мажлисларида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг раҳбарлари, экспертлар, мутахассислар, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакилларини жалб қилган ҳолда ўтказилади.

Парламент эшитувларини ўтказиш масаласи Сенат Кенгаши мажлисида кўриб чиқилади. Бунда Сенат Кенгаши аъзоларидан ташқари сенаторлар, фаолияти муҳокама этилаётган масалага дахлдор бўлган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарлари, Сенат қўмитаси ёки комиссияси (қўмиталари ёки комиссиялари) томонидан тузилган ишчи гуруҳ аъзолари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишга ҳақли. Парламент эшитувларини ўтказиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш якунлари бўйича Сенат Кенгаши парламент эшитувларини ўтказиш ёки парламент эшитувларини ўтказишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Парламент эшитувларининг якунлари бўйича Сенатнинг, Сенат Кенгашининг ёхуд Сенат қўмитасининг ёки комиссиясининг (қўмиталарининг ёки комиссияларининг) қарорлари қабул қилинади. Уларда ушбу ҳужжатлар ижроси учун масъул давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар ҳамда муассасалар аниқ кўрсатилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Сенатнинг, Сенат Кенгашининг ёхуд Сенат қўмитасининг ёки комиссиясининг (қўмиталарининг ёки комиссияларининг) қарори ижрога қаратилади. Бу қарорнинг ижро этилиши тўғрисидаги ахборот тегишинча Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлисида, Сенат Кенгаши ёхуд Сенат қўмитаси ёки комиссияси (қўмиталари ёки комиссиялари) мажлисида тингланиши мумкин.

Бугунги кунда Сенат Кенгаши, қўмиталари давлат ва жамият ҳаёти учун муҳим бўлган турли долзарб масалаларни ҳал этишда парламент эшитуви имкониятларидан самарали фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Мисол учун, Сенат Кенгаши жорий йилнинг 18 март куни ўтказилган мажлисида Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири ҳамда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг таълим муассасаларининг аҳолида, энг аввало, ёшларда юксак ҳуқуқий маданиятни, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишни шакллантириш, фуқароларнинг қонунга итоаткорлик туйғусини таъминлаш борасидаги фаолияти ҳақидаги ахборотини тинглаб, муҳокама қилди. Натижада ҳар иккала вазирлик ҳамда бошқа мутасадди тузилмалар зиммасига бу борадаги ишларни янада яхшилашга қаратилган қатор вазифалар юклатилди.

Хулоса қилиб айтганда, таъсирчан парламент назоратининг муҳим институти бўлган парламент эшитувини Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси моҳиятидан келиб чиқиб, фаол қўллаш, бу борада ривожланган давлатлар тажрибаларини ҳам таҳлил қилган ҳолда, уларнинг ижобий жиҳатларини ҳисобга олиш, шу асосда мазкур йўналишдаги фаолиятни такомиллаштириб бориш мақсадга мувофиқдир.

**М. ХЎЖАМБЕРДИЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси.**

## Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

# ЮРТ РАВНАҚИГА ДАХЛДОРЛИК

### фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари фаолиятининг бош мезонидир

Сайлов — демократия кўзгуси. Маҳалла эса — миллий қадриятлар ва фазилатлар камол топадиган маскан. Мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби Қашқадарё вилоятида ҳам фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловида ана шу икки жиҳат уйғун маъно касб этди. Шунинг учун ҳам сайловчилар ушбу сиёсий жараёнларда фаол қатнашдилар. Буни ислоҳотлар моҳиятини теран англаган, муҳими, юрт манфаатини ўз манфаатидан устун қўя оладиган, мамлакат тараққиёти йўлида фидокорона меҳнат қиладиган 612 нафар раис ва уларнинг 6 мингга яқин маслаҳатчилари сайлангани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Вилоятимизда ушбу ижтимоий-сиёсий тадбирга пухта ҳозирлик кўрилди. Бу эса сайловларнинг қонунийлик, шаффофлик ва ошкоралик тамойиллари асосида ўтишини таъминлади. Хусусан, кўмаклашувчи комиссия ва ишчи гуруҳлар ташкил этилиб, улар учун зарур қулайликлар яратилди. Айни чоғда Олий Мажлис Сенати аъзолари, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари сайловчилар билан учрашиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан ислоҳотларнинг моҳияти хусусида тушунтириш ишлари олиб бордилар.

Ўз навбатида, сайловчилар ҳам мазкур жараёнларга ҳар қачонгидан кўра масъулият билан ёндашдилар. Улар номзодлар дастурларини “Ушбу ҳужжат турмушимиз фаровонлигини янада юксалтиришга қай даражада кўмаклаша олади?” деган ҳаётий саволлар асосида чиғириқдан ўтказдилар.

Сайловлар юксак савияда ташкил этилганини сайлов якунларига доир кўрсаткичлар ҳам тасдиқлаб турибди. Хусусан, янги сайланган раисларнинг 474 нафари олий, 137 нафари ўрта махсус маълумотли мутахассислардир. Маслаҳатчиларнинг эса 2 минг 280 дан ортиғига биринчи марта ишонч билдирилди. Уларнинг ҳам бош мақсади юрт равнақи, эл фаровонлигини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшишдир. Бу эса Юртбошимизнинг Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишда айни муддао, албатта. Бинобарин, маҳаллани аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, унинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини олиб боришдаги вазифаларини кенгайтиришда янги сайланган оқсоқол ҳамда уларнинг маслаҳатчилари энг яқин мададкордир.

Мухтасар қилиб айтганда, вилоятимизда ўтказилган сайлов жараёнларида фаол, ташкилотчи, эл корига ярайдиган юртдошларимиз фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимига сайландилар. Шубҳасиз, улар ҳудудлар инфратузилмасини ривожлантириш ва бу борадаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда бошқош бўладилар.

**Э. РАЖАБОВ,**
**фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи Қашқадарё вилояти комиссияси раиси.**

# БУГУНГИ ҲАРАКАТ – ЭРТАНГИ БАРАКАТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ғўзасининг бу йилги ривожи аввалгидан ҳам зиёда: сув эгатларга фақат “шарбат” усулида оқизиляпти. Учта культиватор ғўза қатор ораларидан чиқарилгани йўқ. Айниқса, саратон ойида культивация қилиш бир зум ҳам тўхтамаслиги зарур. Чунки бу тадбир даланинг ҳавосини янгилайди, тупроқни юмшатиб, экин илдиз тизимининг ривожини тезлаштиради. Фермернинг ўзи эса механизаторнинг, сувчининг, чеканка қилаётган ишчининг ёнидан жилмайди. Ҳосилга ҳамма посбонлик қилади. Бу билан шонанинг гулга, гулнинг кўсакка айланишига кўмаклашади.

Хўжалик фаолиятида яна бир ибратли анъана бор: ана шундай масъулиятли паллада ишловчиларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилади. Даланинг бошида чой, иссиқ овқат ташкил қилинади. Ҳордиқ чиқариш учун зарур шароитлар яратилади. Иш ҳақини вақтида бериш билан бирга рағбатлантириш чоралари кўрилади.

Термиз туманидаги “Ат-Термизий Намуна” фермер хўжалиги жамоасининг бу йилги саъй-ҳаракатлари ҳам шижоатли, ҳавас қилгудек. Бунинг боиси бор. Муҳтарам Президентимиз шу йил апрель ойида мазкур хўжалик далаларида бўлиб, одамлар билан воҳа қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислоҳотлар хусусида ўзаро фикр алмашган, имкониятлардан янада тўлароқ фойдаланиш бўйича қимматли маслаҳатлар берган эдилар.

— Яқинда Юртбошимизнинг Қашқадарё вилоятида бўлиб, қишлоқ меҳнаткашлари, фермерлар билан самимий гурунг қилганлари бир ғайратимизга ўн ғайрат қўшди, — дейди фермер хўжалиги бошлиғи Шуҳрат Чоршанбиев. — Бугун, яъни саратонда бир томчи сув хирмон-хирмон пахтага айланади. Бир чангал ўғит, ҳар томчи пешона тери далага нур бўлиб ёғилади. Шуни ҳисобга олиб, агротехника тадбирларини ўз вақтида, сифатли ўтказишга ҳаракат қилаяпмиз.

Қисқача айтганда, айни кунларда вилоят пахтазорларида мажбуриятни қоплайдиган даражада ҳосил етиштириш мақсадида бор имкониятлар ишга солинмоқда. Зеро, бугунги ҳаракат эртанги баракат омилидир.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ТАРАҚҚИЁТНИНГ «ЎЗБЕК МОДЕЛИ» КЕНГ ЎРГАНИЛМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу ўринда у Ўзбекистон ва Таиланд делегацияларининг икки томонлама ташрифлари ривожланаётгани, иккала мамлакат савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссияси биринчи мажлисининг Тошкентда ҳамда Ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги илк сиёсий маслаҳатлашувнинг Бангкокда ўтказилгани ҳақида сўз юритди.

Унинг таъкидлашича, Ўзбекистон мустақиллик йилларида ўз тараққиёт моделининг тўғрилигини тасдиқлаган ҳолда, ташқи сиёсат ва ижтимоий-сиёсий соҳаларда улкан муваффақиятларга эришди. “Президент Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясидаги муҳим йўналишлар мамлакатда жамиятни босқичма-босқич демократлаштириш ва модернизация қилишнинг мантиқий давомидир”, деди С. Чароенчанг.

**Таиланд Саноат федерацияси раисининг ўринбосари М. Данасарнсилпа** “Ўзбекистон раҳбариятининг кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракати “ўзбек модели” тараққиётининг тизимли ҳамда пухта ўйланган эканлигини намоён этади”, дея таъкидлади.

“Кичик бизнес, бу — тадбиркорликнинг, кўп жиҳатдан, давлатнинг иқтисодий ўсиш суръатини, аҳоли бандлиги ҳолати, ялпи ички маҳсулотнинг сифати ва тузилмаларини белгилаб берадиган тармоғи саналади. Агар йирик бизнес замонавий иқтисодиётнинг таянчи бўлса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик уни боғлаб турувчи занжир ҳисобланади”, деди таиландлик ишбилармон.

**Таиланднинг Инвестиция масалалари кенгаши бош котиби ўринбосари А. Паттанапанчай** “Сиёсий ва макроиқтисодий барқарорлик ҳамда малакали кадрлар салоҳиятининг мавжудлиги Ўзбекистонга чет эл сармояси жалб қилинишининг энг асосий омилидир”, дея қайд этди. “Мамлакатда хорижлик сармоядорларни ҳимоя қилиш бўйича қонунчиликда кўзда тутилган кафолатлар, шунингдек, уларга кўплаб имтиёз ҳамда қулайликлар яратиб берилгани, айниқса, эътирофга лойиқ”, деди эксперт, жумладан.

**“Юнитай” логистик компанияси вице-президенти С. Пиябун**нинг айтишича, йирик минтақавий бозорлар ўртасидаги қулай географик жойлашув халқаро аҳамиятга молик қуруқлик ва ҳаво йўллари орқали интеграциялашган тармоқ ҳамда ривожланган транспорт-логистика тизими Ўзбекистонга қўшни ва хорижий мамлакатлар бозорларини ўзлаштиришда қўшимча имтиёзлар беради.

**«Жаҳон» АА.**
Бангкок

# ТЕКШИРИШЛАРНИНГ АМАЛИЙ НАТИЖАСИ

### назорат органлари фаолиятига боғлиқ

*Бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларининг эркин фаолият юритишлари учун барча шарт-шароит яратилган. Бундай имкониятлар, айниқса, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида янада кенгаймоқда. Жумладан, Президентимизнинг шу йил 4 апрелдаги “Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони бу борадаги ишларни янги босқичга кўтарди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.*

Боиси, мазкур ҳужжатда соҳа вакиллари ишига халақит бермаслик мақсадида янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб дастлабки уч йил мобайнида солиқ текширувларидан ўтказилмаслиги, шунингдек, 2014 йилнинг 1 апрелигача солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаётган, ишлаб чиқаришда барқарор ўсиш ҳамда рентабелликни таъминлаётган тадбиркорлик субъектларида солиқ соҳасида текшириш тақиқланди.

Бундан ташқари, унда кичик бизнес субъектлари фаолиятини текшириш муддатлари ўттиз календарь кунидан ошмаслиги қайд этилган. Ваҳолонки, мазкур Фармонга қадар алоҳида ҳолатларда, Кенгаш қарорига биноан, бу муддат яна ўттиз календарь кунигача узайтирилиши мумкин эди.

Фармоннинг муҳим жиҳатларидан яна бири тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини камерал (солиқ тўловчи томонидан тақдим этиладиган молия ва солиқ ҳисоботини таҳлил этиш асосида) назорат қилиш ҳамда дастлабки тарзда ўтказилган камерал назорат натижалари бўйича солиқ қонунчилиги бузилиши ҳолатлари аниқланган ҳоллардагина текшириш ўтказиш белгиланганидир. Бунда солиқ қонунчилиги бузилишларининг тизимли сабабларини аниқлаш, кейинчалик уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

Шу билан бирга, Фармонга кўра, Назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика Кенгашига

**Фармон ва ижро**

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, бошқа назорат идоралари билан ҳамкорликда тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текширишни қайта кўриб чиқиш ва 2011 йилги текширишлар режасидан чиқариб ташлаш вазифаси ҳам юклатилган. Бу борада Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Наманган вилояти ҳудудий комиссияси томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг апрель — декабрь ойларида режали текшириш ўтказилиши белгиланган жами 164 та хўжалик юритувчи субъектда, жумладан, 126 та кичик бизнес субъекти ва 38 та йирик корхона фаолияти юзасидан таҳлиллар ўтказилиб, Давлат солиқ қўмитасига 32 та хўжалик юритувчи субъект бўйича таклифлар берилди.

Маълумки, ҳар бир хўжалик юритувчи субъектда “Текширишларни рўйхатга олиш китоби” мавжуд бўлиб, у текширишдан аввал назоратчилар томонидан тўлдирилиши шарт. Таъбир жоиз бўлса, бу китоб хўжалик юритувчи субъектларнинг чинакам қалқонидир. Комиссия томонидан тадбиркорлик субъектларидаги ана шундай китобларнинг юритилиши ўрганиб чиқилганида, уни тўлдиришда айрим назорат идоралари вакиллари томонидан камчиликларга йўл қўйилгани аниқланди ва уларни бартараф этиш чоралари кўрилди.

Мухтасар қилиб айтганда, юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига эркин ишлашлари учун яратилаётган шарт-шароитлар бекаму кўст. Шундай экан, бирорта тадбиркор ёки корхона, ташкилот асоссиз, ноқонуний текширилмаслиги керак. Зеро, текшириш тартибини таъминлаш зиммамиздаги масъулиятли вазифалардан ҳисобланади.

**Дилшод ФАЙЗУЛЛАЕВ,**
**Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Наманган вилояти ҳудудий комиссияси раиси ўринбосари.**



# МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ САМАРАСИ

### фидойи меҳнат ва илғор тажрибаларнинг уйғунлигида намоён бўлади

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бу, ўз навбатида, чет эллик харидорларнинг кўпайишига, янги ҳамкорлар топишга кенг йўл очди. Жорий йилнинг ўтган беш ойида 450 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, мижозларга етказиб берилгани ана шундан далолат беради.

— Келгусида ишлаб чиқариш кўламини янада кенгайтириш, маҳсулот турини кўпайтириш, янги иш ўринлари ташкил этиш чораларини кўраяпмиз, — дейди корхона раҳбари Олланазар Бекчанов. — Шубҳасиз, бунда Президентимиз томонидан биз, тадбиркорларга берилган имтиёзлар муҳим омил бўлаяпти. Устувор режамизга кўра, шу йил охиригача 200 миллион сўмлик модернизациялаш ишларини амалга оширамиз. Пировардида 20 та иш ўрни яратилиб, ишлаб чиқариш қуввати 1,5-2 баробар ортади. Бунинг учун имкониятларимиз етарли. Фақат ташаббус кўрсатиб, ғайрат-шижоат билан фидокорона меҳнат қилсак, кифоя.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Шомурот ШАРАПОВ олган суратлар.**

# КЎРКАМ ВА БЕЖИРИМ

***Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, истеъмол бозорига импорт ўрнини босувчи, рақобатбардош маҳсулотлар етказиб бериш ҳажмини ошириш юзасидан олиб борилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда.***

**Яхши хабар**

Буни Фарғона вилоятидаги “Исмоилжон гиламлари”, “Сайқал”, “Шоҳимардонсут”, “Меҳригиё”, “Наврўз”, “Аҳмад Тож Ҳайдар” каби ўнлаб корхоналар фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бувайда туманидаги “Аҳмад Тож Ҳайдар” хусусий корхонаси бозор эҳтиёжларини ўрганган ҳолда, бежирим ва сифатли кийим-кечаклар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Корхонада тайёрланаётган трикотаж маҳсулотлари бугунги кунда ички ва ташқи бозорда ҳам ўз харидорларини топган.

Яқинда 36 нафар қишлоқ аёли касаначи сифатида мазкур корхонага ишга қабул қилинди. Улар буюртма асосида турли уст-бош, ўқувчилар, чақалоқлар учун кийимлар тайёрлаб бермоқда.

**М. СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ИЗЛАНИШ ОМАД КЕЛТИРДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Энг сўнгги русумдаги гул ўйиш, пресслаш дастгоҳларига эгамиз. Эсимда, отам оддий арра, теша билан ишлардилар. Бунинг эса турган-битгани машаққат эди. Кўп куч сарфланар, вақт ҳам кўп кетарди. Давлатимизга раҳмат. Биз, тадбиркору ҳунармандлар учун барча қулайлик яратилган. Дунёнинг исталган чеккаси бугун бир қадам бўлиб қолди. Замонавий дастгоҳлар дарагини эшитган заҳоти бориб-келиш имконига эгамиз. Мана, қишлоқда кичик корхона очаман, дегандим. Туман ҳокимлиги ер ажратиб берди. Эллик миллион сўмдан зиёд маблағ сарфлаб, бино тикладик. Корхонамиз ойига эллик миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаш қувватига эга...

Усталар ёнидаги ёшлар эътиборимизни тортди. Улар ҳунар ўргангани келишибди.

— Жондор қурилиш, миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежида ўқиймиз, — дейди Фарҳод Насуллаев. — Амалиётни шу ерда ўтаяпмиз. Бобур ака ўз бизнесини йўлга қўйганини кўриб, очиғи, ҳавасим келди. Шу ҳунар сирларини мукаммал эгаллаб, келажакда мен ҳам тадбиркор бўлиш ниятидаман.

Дарҳақиқат, ишбилармонлик аллақачон давр талабига айланиб улгурди. Тараққиёт калити — тадбиркорликда. Фарҳоджон каби юзлаб ёшларнинг мазкур ҳақиқатни чуқур англаб етгани кишини хурсанд қилади. Тажрибали тадбиркорларга эргашган кам бўлмайди. Буни олотлик ишбилармон Зиёдулла Соатовнинг фаолияти ҳам кўрсатиб турибди. Фермерлик ҳаракатини бундан бир неча йил муқаддам атиги 16 бош қорамол парвариши билан бошлаган Зиёдулла ака айни дамга келиб, 100 литр сутни қайта ишлаш қувватига эга кичик корхона соҳибига айланди. Яқинда эса у фаолиятини янада кенгайтириб, гўштни қайта ишлаш цехи ҳамда замонавий новвойхонани ишга туширди. Эндиликда “Зафар” ёрлиғи остида ишлаб чиқарилаётган колбаса, қолипли нон, турли қандолатчилик маҳсулотлари сифати, нисбатан арзонлиги билан харидорларга маъқул бўлаяпти. Яна бир муҳим жиҳати, бу инсоннинг тадбиркорлиги шарофати билан йигирмадан зиёд иш ўрни яратилди.

...Мақолани қоғозга тушираётганимизда, Жондордан Бобуржон Раҳматов қўнғироқ қилиб қолди. “Қишлоғимизда замонавий лойиҳа асосида намунавий уйлар қурилаяпти. Шуларнинг бири оиламизга ажратиладиган бўлди”, деди у. Бу — ёш тадбиркорнинг ўз меҳнати қадрини кўраётгани ва чексиз қувонаётгани нишонаси эди. Уни астойдил табрикладик...

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЖАҲОН 24 соат ичида

## Иқтисодий ўсиш ва маҳсулот нархи

***Жаҳоннинг етакчи хом ашё биржаларида ўтказилган сўнгги савдолар чоғида нефть нархи ошиши кузатилди.***

Хусусан, Лондондаги "ICE" биржасида "Brent Crude Oil" номли "қора олтин"нинг бир баррели 2,22 АҚШ долларига қимматлашган ва 113,61 АҚШ долларига етган. Нью-Йоркдаги "NYMEX" биржасида ташкил этилган савдоларда эса "Light Sweet Crude Oil" тамғали углеводород хом ашёси харидорларга 96,89 АҚШ долларидан таклиф этилган. Бу ерда маҳсулот баҳоси 1,95 АҚШ долларига қимматлашган.

Экспертларнинг фикрича, Хитой ва АҚШ мамлакатларидаги иқтисодий ўсиш суръатлари нефть баҳосининг ошиб кетишига сабаб бўлган.

## Галереядаги ўғирлик

***Машҳур рассом Пабло Пикассонинг қаламда ишланган "Аёл боши" асари Сан-Францискодаги "Weinstein" галереясидан ўғирлаб кетилди.***

Бу ҳақда "AP" ахборот агентлиги хабар тарқатди. Жиноятчи галереяга оддий томошабин сифатида кирган ва деворда осиғлиқ турган расмни олиб чиқиб, воқеа жойидан ғойиб бўлган. Ҳозирча унинг шахси аниқлангани йўқ. Ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари жиноятчини асарни "қора бозор"да сотишга уринаётган пайтда қўлга олишга умид қилишмоқда.

Манбада бу асарнинг қиймати 100 минг АҚШ долларидан кам эмаслиги айтилмоқда.

## Наҳанглар эркин сузади

***"Би-би-си"нинг ахборотига қараганда, наҳанглар эндиликда Багама оролларида бемалол сузиши мумкин.***

Гап шундаки, орол ҳукумати томонидан ушбу ноёб жониворларни овлашни тақиқловчи қонун қабул қилинди. Унга кўра, Багама ҳудудида наҳангларни овлаш, сотиш ҳамда уларнинг гўштини импорт ва экспорт қилиш қатъий ман этилади.

Маълумки, ушбу денгиз йиртқичлари этидан тансиқ таомлар тайёрланади. Шу туфайли ҳам улар оммавий равишда овланмоқда. Натижада дунё бўйича йилига 73 миллион дона наҳанг йўқ бўлиб кетаяпти.

Шу пайтгача ушбу жониворларни овлаш Гондурас, Мальдив ва Палау оролларида тақиқланганди.

## Қизил денгиздаги фалокат

***Судандан Саудия Арабистони томон ҳаракатланаётган кемада чиққан ёнғин туфайли 197 нафар одам ҳаётдан кўз юмди.***

Фалокат Қизил денгизнинг Судан мамлакатига яқин жойида юз берган. "Sudan Media Center" ахборот агентлиги маълумотларига кўра, ҳалокатга учраган кемада жами 200 нафар йўловчи бўлган. Уларнинг барчаси муҳожирлардир. Ўт нимадан келиб чиққани эса аниқ эмас.

Бунга ойдинлик киритиш мақсадида ушбу сув транспортининг эгаси ҳибсга олинган.

## Тендерда ютқазгани учун

***Канаданинг "Bombardier" машинасозлик компанияси Буюк Британиядаги бўлимида мавжуд иш ўринлари сонини 1400 тага қисқартиришини билдирди.***

Корхона мутасаддилари фикрига кўра, компания жорий йилнинг июнь ойида шаҳарлараро йўналишларда қатновчи "Thameslink" русумли поездларни етказиб бериш бўйича ўтказилган тендер савдосида ютқазиб қўйгани туфайли ана шундай қарорга келинган. "The Guardian" нашрининг ёзишича, қиймати 4,8 миллиард АҚШ долларига тенг бўлган танловда Германиянинг "Siemens" корпорацияси ғолиб чиққан.

"Bombardier" бизнес самолётлар, электропоездлар ва трамвайлар ишлаб чиқарувчи дунёдаги етакчи корхоналардан бири ҳисобланади. Унинг йиллик маблағ айланмаси 20 миллиард АҚШ долларини ташкил этади.

## Мавқеини мустаҳкамлайди

***Халқаро пул ўтказмалари билан шуғулланувчи "Western Union" оператори "Travelex" компаниясининг Буюк Британиядаги бўлимини сотиб олишга қарор қилганини билдирди.***

Эътиборли жиҳати, "Travelex" ушбу соҳада фаолият олиб борса-да, фақат юридик шахсларга хизмат кўрсатади.

Қайд этилишича, "Western Union" мазкур харидни амалга ошириш орқали халқаро бозордаги мавқеини мустаҳкамлашни режалаштирган.

Келишувнинг молиявий қиймати 606 миллион фунт стерлингга тенглиги маълум қилинди.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

***Яқинда Самарқанд вилояти архив иши бошқармаси қўшимча янги бинога эга бўлди. Бу ерда нафақат бошқарма жамоасининг самарали меҳнат қилиши, балки архивдан фойдаланувчилар учун ҳам бир қатор қулайликлар яратилгани эътиборга моликдир.***

***Дарҳақиқат, икки қаватли мазкур замонавий бинода кенг ва ёруғ қўшимча сақловхона, мажлислар зали, ходимлар учун кабинетлар, талабаларнинг амалиёт хоналари мавжуд бўлиб, улар энг сўнгги русумдаги компьютер жамланмалари ва бошқа зарур ускуналар билан жиҳозланди. Бу муҳташам бино вилоят ҳокимлиги қошидаги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси томонидан қисқа фурсатда барпо этилди. Бунинг учун 815 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.***



# БЕБАҲО ХАЗИНА

Бугунги кунда ушбу масканга ташриф буюрувчилар жуда кўп. Чунки архив иши ижтимоий ҳаётимизда муҳим ўрин эгаллайди. Шу боис мамлакатимизда архивларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларнинг фаолиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

*Истиқлол йилларида тегишли меъёрий ҳужжатлар қабул қилиниб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани, айниқса, қувонарлидир. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида архив ишини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида"ги ва "Ўзбекистон Республикасида архив ишини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари бунда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаяпти.*

Жорий йилнинг биринчи ярмида вилоят давлат архиви ва унинг жойлардаги филиалларида мазкур ҳужжатларнинг ижроси юзасидан муайян ишлар бажарилди. Иш кўламининг ортиши, ўз навбатида, даромад кўпайишини таъминлади. Шу йилнинг ўтган олти ойида кўрсатилган пуллик хизматлар ҳисобидан 103 миллион 661 минг сўмдан зиёд соф фойда олинди. Натижада кўрилган фойданинг маълум қисми архив фондини асраб-авайлашни янада кучайтиришга йўналтирилди.

Таҳлилларга қараганда, кейинги пайтларда қоғоз асосидаги ҳужжатларни таъмирлаш, уларни муқовалаш ва тикиш, электрон нусхаларини яратиш, ҳужжатлар хатловини такомиллаштириш ва қайта ишлаш, Миллий архив фонди ҳужжатлари қимматдорлигини экспертиза қилиш борасидаги ва-

**Архив**

зифалар мўлжалдагидан ортиқ қилиб бажарилмоқда. Вилоят давлат архивларида режадаги 3850 сақлов бирлиги ўрнига 18548 сақлов бирлигидаги ҳужжатлар қабул қилингани бунинг ёрқин далилидир.

Шу билан бирга, бошқарманинг эксперт текширув комиссияси ўттиздан зиёд ташкилотларнинг ҳужжатлар рўйхатини кўриб чиқиб, уларни тасдиқлади. Унга кўра, ташкилотларнинг 20421 сақлов бирлигидаги ҳужжатларига илмий-техник ишлов берилиб, бу борадаги режа ортиғи билан уддаланди.

Кези келганда, вилоятдаги барча архив муассасалари компьютерлаштирилиб, ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилаётганини таъкидлаш жоиз. Масалан, 2011 йилнинг биринчи ярмида вилоят архиви 12 та, Самарқанд тумани филиали битта замонавий компьютер жамланмаси ва бошқа ускуналар билан таъминланди. Архив муассасаларида яратилаётган бундай қулайликлардан унумли фойдаланиш ҳужжатларнинг электрон нусхаларини яратиш имкониятларини оширмоқда. Жорий йилда 25542 кадрдан иборат ана шундай нусхалар яратилгани бунга мисол бўла олади. Тизимда электрон ҳужжат айланиши жорий этилгани эса соҳа ходимлари учун яна бир қулайлик туғдирди. Эндиликда бошқарманинг қарор ва буйруқлари ёки бошқа ҳужжатлар туман ва шаҳарлардаги архив муассасаларига электрон почта орқали жўнатиладиган бўлди.

Дарвоқе, айни пайтда вилоят давлат архивининг Самарқанд тумани ва Каттақўрғон шаҳар филиалларида қўшимча сақловхона қуриш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, архив ҳужжатларини бебаҳо бойлик сифатида қадрлаётган самарқандлик архивчиларнинг доимий изланишлари, янгиликка интилишлари, мавжуд имкониятлардан самарали фойдалана олишлари боис вилоятда архив хизмати савияси ва сифати йил сайин яхшиланиб бораяпти.

**А. САТТОРОВ.** t

UZTRANSGAZ
JOINT-STOCK COMPANY AKSIADORLIK KOMPANIYASI
«ЎЗТРАНСГАЗ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
*Ҳурматли юртдошлар!*
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 майдаги 283-Ф-сонли фармойишига мувофиқ, жорий йилнинг 1 июнидан 1 октябрига қадар республика табиий газ истеъмолчилари тўлиқ хатловдан ўтказилмоқда.**
Шу муносабат билан табиий газ бўйича қарздорликни хатловдан ўтказиш учун масъул бўлган ходимларга маҳалла фуқаролар йиғини билан келишилган ҳолда ўз вақтида амалий ёрдам беришингизни илтимос қиламиз.
754R/667

РАСМИЙ ДИСТРИБЬЮТОР
ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАСИДАН ТАКЛИФ ҚИЛАДИ
«КЧМ» ЧЎЯНДАН ТАЙЁРЛАНГАН ИСИТИШ ҚОЗОНЛАРИ
Табиий газ, қурук ва суюқ ёнилғида ишлайдиган, Россия ҳамда Европа стандартлари талабига мос. ФИК 79% дан 90% гача.
Шунингдек:
КАФЕЛЬ
(девор ва пол учун)
САНТЕХНИКА
(катта ҳажмда унитаз ва қўлювгичлар)
ЧЎЯН ВАННА ВА ДУШ ПОДДОНЛАРИ
Тел./факс: 267-35-73.
Савдо шохобчаси — Уста Ширин к.125, қурилиш бозори ичида №127.
zakamsk-group@mail.ru

# ИЗЧИЛ ИСЛОҲОТЛАР МЕВАСИ

***Элликқальалик хусусий тадбиркор Икром Саидов яқинда Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасидан 2 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит олиб, фотосалон очди. Ҳозир бу ерда уч киши меҳнат қилмоқда.***

Дарҳақиқат, юртимизда аҳолини иш билан таъминлашга қаратилаётган эътибор туфайли тадбиркорлар сони йил сайин ортиб бораётир. Уларнинг меҳнатлари нафақат ўзлари учун, балки атрофдагиларга ҳам қулайлик яратаётгани янада қувонарлидир.

Таъкидлаш жоизки, ушбу йўналишдаги ишлар ривожида Президентимизнинг фармон ва қарорлари муҳим аҳамият касб этаётир. Жумладан, Элликқальа туманида давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 17 апрелдаги қарори ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар натижасида жорий йилнинг уч ойи мобайнида биргина хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси бўйича 252 та иш ўрни ташкил этилди.

**Бандлик**

— Бундай ишларнинг самарадорлигини таъминлашда жойларда ўтказилаётган меҳнат ярмаркаларининг ҳам ўзига хос ўрни бор, — дейди туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори И. Бобожонов. — Чунки бу каби тадбирлар аҳолининг ўз мутахассислигига кўра иш танлаш имконини ошираяпти. Ҳозиргача ташкил этилган иккита меҳнат ярмаркасида 218 нафар фуқаро турли корхона ва ташкилотлар билан шартнома имзолаб, ишга жойлашди.

Туманда яратилаётган иш ўринларининг аксарият қисми қишлоқ жойлар ҳиссасига тўғри келаётгани ҳам диққатга сазовор. Бунда пухта мониторинг асосида ишлаб чиқилган ҳудудий дастурлар, айниқса, муҳим омил бўлмоқда. Зеро, мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар замирида, аввало, инсон манфаати, унинг муносиб ҳаёт кечиришини таъминлашдек эзгу мақсадлар мужассамдир.

**Ҳидоят АҲМЕДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.**







Ибрат

— Ёшинг улғайган сайин ортга қараб ўтган кунлар билан бугунни таққослайдиган бўлиб қолар экансан, — дея мулоҳаза юритади избосканлик муаллим Набижон ака Турғунов. — Ҳозирги ёш ҳамкасбларимга ҳавасим келади. Улар болаларга муҳташам мактабларда дарс беришади. Компьютер деган мўъжизани “сайратиб” юборишади. Машғулотлар тугагач, бизнинг давримиздагига ўхшаб, дафтар-китобни қўлтиққа қистириб уйга ошиқишмайди. Мактаб ҳовлисидаги мевали боғда андармон бўлишади.



# ОБОД БОҒЛАР ЖОЗИБАСИ

Қишлоқда “Наби муаллим” деб ном чиқарган устоз узоқ йиллар 11-мактабда тил ва адабиёт фанидан дарс берган. Мактаб пасқам, кўримсиз бинода жойлашган эди. Унинг орқа тарафидаги ҳайҳотдай ҳовлини ажриқ қоплаб ётарди. Унда-бунда дарахтлар бўлгучи эди. Энди-чи?

Истиқлол одамлар онгини ўзгартириб юборди. Уларни жўшқинлик, яратувчилик, бунёдкорлик сари руҳлантирди.

— Инсонда ҳавас, ҳафсала, иштиёқ бўлсин, — атрофини қалдирғочнинг болаларидай ўраб олган шогирдларига уқтиради Латофат муаллима. — Ҳавас яхши амалларга йўл очади, илҳомлантиради. Кўриб турганларинг — мана шу боғниям 37-мактабнинг мевазорига ҳавасимиз келиб ятратганмиз. Ўшанда қўшниларнинг боғига кириб, чиқолмай қолганмиз. Айни пишиқчилик эди. Тилларанг ўриклар шира бойлаган, оғзингизга солишингиз билан эриб кетади. Қирмизи олмаларни айтинг, тишлагудай бўлсангиз, шарбати тирс этиб юзкўзингизга сачрайди. Мевасининг мўллигидан шохлари ларзон ноклару хурмоларни кўриб қойил қолганмиз. У ердан қайтиб келгач, ўзимизни мактабимизнинг бўш ётган ҳовлисига урдик. Кўплашиб ерни ажриқдан тозаладик. Кўчат ўтқаздик.

Латофат муаллима шогирдларини боғнинг яратилиши тарихи билан таништиргач, меваларнинг ғўрасидан тортиб мағзигача минг бир дардга даво экани хусусида, дастурхоннинг файзу баракаси экани ҳақида обдон тўхталди:

— Ҳар бир ўқувчининг ўз дарахти бўлсин, мевасидан, соясидан, шох-шаббасидан ҳамма баҳра олсин — дея тилак билдирди у кўзлари чақнаб турган болаларга.

Устоз шогирдларига жаннатмонанд юртнинг боғ-роғлари, хусусан, Асака туманидаги 41-умумтаълим мактабида ҳашар йўли билан барпо этилган боғ ҳақида шунчаки сўз юритмади. Улар қалбига яратувчилик, бунёдкорлик чўғини ҳам ташлади.

Машғулотлар тугагач, ҳувиллаб қоладиган мактаб ҳовлиси ўша кундан бошлаб кетмон, белкурак, супурги кўтарган болаларга тўлди. Касалликка чалиниб, ривожланишдан қолган дарахтлар таг-томири билан олиб ташланди. Алишер исмли ўқувчи олма танасига болта урмоқчи бўлиб шайланганида, уни устози Муҳаммадкарим Жўрақулов тўхтатиб қолди.

— Бу дарахт тарвақайлаб ўсишни биладию аммо мева бермайди, яхшиси кесиб ташлаганимиз маъқул, — ўз фикрини ўртага ташлади Алишер.

— Агар шундай бўлса, шохини эгиб, танасига боғлаб қўйиш керак. Ўшанда бояги шох куртак ёзиб, мева тугади.

Биология фани ўқитувчиси Латофат Саидованинг шогирдлари гилос, хурмо, беҳи, ўрик ниҳоллари экилган боғни шу хилда барпо этишди. Тумандаги 51 та умумтаълим мактабида ҳисоб-китоб қилиб кўрилса, бор-йўғи 6 гектар мева берадиган боғ бор экан. Ўн гектардан ортиқ ернинг умри зое кетмоқда. Ахир бу хилдаги очиқ майдонлар вилоят, мамлакат мактаблари миқёсида олиб кўрилса, озмунча кўрсаткични ташкил этадими?

— Бу масаланинг бир томони, — дея мулоҳазаларини ўртага ташлайди 44-мактабнинг ёш, изланувчан директори Лазокатхон Нишонова. — Ўқувчи ёшликдан табиатга ихлос қўйса, бизни ўраб турган атроф-муҳит ҳақидаги тасаввурлари кенгайиб улғаяди, кўзи пишади. Туманимизнинг “Шарқ ҳақиқати”, “Ниёзботир” мавзеларидаги ўнлаб гектар ерларда барпо этилган янги боғларда фарзандларимизнинг табиатга ошнолиги, юртга меҳри, меҳнатга муҳаббати мужассам.

Асакалик таълим фидойилари ва уларнинг билимга чанқоқ, янгиликка ўч шогирдларининг Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигига атаб адирликлар бағрида боғ-роғлар барпо этиш юзасидан бошлаган ташаббусларини маҳаллий ҳокимликлар қўллаб-қувватлаш билан бирга амалий ёрдам ҳам кўрсатмоқдалар.

“Шарқ ҳақиқати” мавзесидан ёшларга ўн гектар ер ажратиб берилди. Бу ҳудуд негадир кўздан нарида эди. Ҳамиша ёввойи ўтўлан босиб ётарди. Навқирон авлоднинг қўллари билан майдон тозаланди. Фарғона вилоятининг Қува туманидан 2100 туп олма, 400 туп гилос, 400 туп беҳи ниҳоли келтирилди. Мазкур ниҳоллар мевага киргунга қадар икки-уч йил вақт ўтиши ҳисобга олиниб, оралиқ ерларга данакли мевалар уруғи сепилди. Улар униб чиққач, истиқболли навларга пайванд қилинади.

Айни дамда Ниёзботирда интенсив усулда боғ яратилди. Ниҳоллар 4х2 ҳажмда ўтқазилди. Бу дегани одатдаги боғларга нисбатан ниҳоллар 3,5-4 баробарга кўп жойлаштирилади. Масалан, “Шарқ ҳақиқати” мавзесидаги боққа 2900 туп ниҳол жойлаштирилган бўлса, Ниёзботирда бу кўрсаткич 12 минг тупни ташкил этди. Мевали дарахтлар 8-12 ёшида гектаридан 400-500 центнер ва ундан ҳам юқори ҳосил беради. Паст бўйли дарахтларнинг шохлари ихчамлиги туфайли меваларга ёруғ яхши тушади. Ранги тиниқ бўлади. Ҳашаротларга қарши кураш ҳам, мева пишганда териб олиш ҳам қулай.

Булоқбоши туманидаги 11-мактаб-интернатда яхши тажриба тўпланган. Ўтган йили экин майдони ва боғдан 10,5 миллион сўмдан ошириб даромад олинган эди. Бу йил ҳам мева қоқисидан тортиб шарбату қиёмгача, сут маҳсулотларигача ўзларидан чиқаяпти. Ошхона барча турдаги сабзавот маҳсулотлари билан таъминланаяпти. Бу ерда ҳар бир ўқувчининг илдизлари чуқур кетган ўз дарахти бор.

Вилоятдаги барча таълим муассасаларидаги экин экиладиган майдонлар 304 гектардан иборат бўлиб, унинг 265 гектарида сабзавот, 38 гектарида полиз экинлари парвариш қилинмоқда. 182 гектар ердаги боғ-роғлар мева бераётир. Таълим муассасаларининг ёрдамчи хўжаликларида 9500 товуқ, 425 бош чорва моллари, 300 дан зиёд қуён парваришланмоқда. Булардан кўзланган мақсад, аввало, ён-атрофдаги ерлардан унумли фойдаланишдир. Қолаверса, шу йўл билан ўқувчилар қалбига “Ободлик кўнгилдан бошланади”, деган эзгу амалнинг мазмун-моҳияти сингдирилмоқда.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ДУНЁ — АЁЛЛАР НИГОҲИДА

***Тошкент Фотосуратлар уйида Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишланган “Аёл ижодкорлар — аёллар ҳақида” мавзуида фотокўргазма ташкил этилди. Унда бир неча иқтидорли фоторассомларнинг асарлари намойиш этилмоқда.***

Кўргазма

Намойишга қўйилган фотоасарларда истиқлол шарофати билан юртимиз хотин-қизларига яратиб берилган шарт-шароит, уларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва бунга жавобан аёлларнинг ислоҳотлардаги фаол иштироки ифодаланган. Масалан, У. Абдураззоқова ва Н. Боймуродова асарларида қишлоқ аёли тимсоли талқин этилган бўлса, А. Гажаева ҳамда Г. Долимова фотолавҳаларида оналар сиймоси ўз аксини топган.

— Истиқлол туфайли хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллиги ошди, — дейди фоторассом Наргиза Боймуродова.— Буни суратлар орқали тарихга муҳрлаш, керак бўлса, фидойи аёлларимизни бошқаларга намуна қилиб кўрсатиш биз, фоторассомларнинг вазифамиздир.

Кўргазмадан ўндан зиёд фоторассомнинг 60 га яқин асари ўрин олган бўлиб, улар томошабинларда яхши таассурот қолдирмоқда.

**М. ХОЛМАТОВА.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ПЕНСИЯ ЖАМҒАРМАСИ РЕСПУБЛИКА ТИББИЙ-ИЖТИМОИЙ ЭКСПЕРТИЗА ИНСПЕКЦИЯСИ

тендер савдолари натижаларини эълон қилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси тиббий-меҳнат экспертиза хизмати моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида компьютер техникалари (шу жумладан, кўп функцияли қурилма (принтер-сканер-нусха кўчириш), узлуксиз таъминловчи манбалар (UPS), электр тармоғи фильтрлари) харид қилиш учун етказиб берувчиларни танлаш бўйича тендер савдолари якунланди.

Тендер савдолари ғолиблари эълон қилинди:

1-лот бўйича:
— тендер савдоси ғолиби — «DATEX SYSTEMS» МЧЖ, 0,870 балл;
— захирадаги ғолиб — «INFO-SEMANTIK» МЧЖ, 0,811 балл;

2-лот бўйича:
— тендер савдоси ғолиби — «UCD MICROS» ҚК МЧЖ, 0,935 балл;
— захирадаги ғолиб — «FORCELINE» МЧЖ, 0,917 балл.

«ETNA-SAFO» СИЧК

балиқ, парранда ва чорва учун оқсил моддалар, витаминлар билан бойитилган ҳамда юқори протеинли ва қувватли, донадор

ОМИХТА ЕМ

таклиф қилади.



Бизнинг омихта емимиз «Чиноз балиқларга омихта ем ишлаб чиқариш корхонаси» (ЧБОЕИЧК) МЧЖ билан ҳамкорликда хорижий технологияда ишлаб чиқарилади ва барча талабларга жавоб беради.

Маҳсулот буғда пишириш усули билан тайёрланади. Натижада у юқори кўрсаткичларга эга бўлади, хусусан, унинг таркибидаги оқсил миқдори ортиб, тўйимлилиги ошади.

Шунингдек, Қозоғистон Республикасида ишлаб чиқарилган

олий навли ун

таклиф қилинади.

Тўловлар барча шаклда амалга оширилади.

Манзил: Тошкент вилояти, Чиноз ш., «ЧБОЕИЧК» МЧЖ
Тел.: (+99897) 405-74-09, 444-08-07,
(+99898) 363-74-09. Факс 263-94-11.
E-mail: bdkonsalting@mail.ru



Отабек МИРСОАТОВ (ЎзА) олган сурат.

# ИСТИҚЛОЛ ТАРАННУМИ

Анъана

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида “Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!” шиори остида ўтказилган тадбирда маданият ва санъат намояндалари, маҳалла оқсоқоллари ва уларнинг маслаҳатчилари, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, нуроний отахон ва онахонлар, пойтахтимиз меҳмонлари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизнинг йигирма йиллик истиқлол йўли барча соҳаларда ривожланиш ва юксалиш даври бўлганлигини алоҳида таъкидладилар.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлганидек, пойтахтимизда ҳам амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Кўҳна ва ҳамиша навқирон Тошкент бугунги кунга келиб, том маънода, бетакрор мегаполисга айланди. Шунга монанд тарзда Истиқлолнинг 20 йиллик шонли санасига пойтахтимизда ҳам катта тайёргарлик кўрилмоқда. Бири-биридан кўркам, замонавий иншоотлар — кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари, спорт саройлари барпо этилмоқда. Бундан ташқари, мавжуд 476 та маҳаллада кенг кўламда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилаётир. Маҳалла гузарлари, оилавий поликлиникалар, маиший-савдо объектлари фойдаланишга топширилмоқда.

*— Маҳалламизда ўттизга яқин миллат ва элат вакиллари бир оила бўлиб, аҳил ва иноқликда истиқомат қилмоқда, — дейди Тошкент шаҳар, Олмазор туманидаги “Қорасарой” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мажид Абдуллаев. — Маданий-маиший бинолар, спорт мажмуалари таъмирланиб, атрофи ободонлаштирилмоқда. Қолаверса, кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, касаначиликни ривожлантиришга доимий эътибор қаратилмоқда.*

Тадбирда жонажон Ватанимиз, фаровон ҳаётимизни тараннум этувчи шеърлар ўқилиб, куй-қўшиқлар ижро этилди.

**З. ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ЭЪЗОЗИ

***Наманган азал-азалдан ҳунармандлар маскани сифатида маълум ва машҳур. Бетакрор Чуст пичоқларию тўрт гулли дўпписи, Ғурумсаройнинг етти иқлимга машҳур нақшинкор сопол буюмларию камалак жилосидан ранг олган хонатласлари... Буларнинг барчаси вилоят ҳунармандларининг асрлардан-асрларга ўтиб келаётган энг гўзал удум ва анъаналари ҳосиласидир. Уларнинг эътирофича, биргина вилоят марказининг ўзида ҳозир 500 дан зиёд хонадон атласчилик билан шуғулланиб келмоқда.***

2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

— Ёшлигимиздан ота-боболаримиз ардоқлаган касб — атласчилик билан шуғулланиб кам бўлганимиз йўқ, — дейди ҳунарманд Латифжон Аҳмаджонов. — Ҳатто якка тартибда меҳнат қилиш тақиқланган замонларда ҳам унинг этагини маҳкам тутдик. Бугун эса истиқлол берган имкониятлардан фойдаланиб, атласчиликни ривожлантираяпмиз. Унинг янги-янги турларини яратиб, ишлаб чиқаришни ташкил этмоқдамиз.

Эътироф этиш керакки, мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ ҳунармандларга берилган юксак эътибор, ушбу йўналишда қабул қилинган ҳуқуқий мажмуалар уларнинг истеъдодларини юзага чиқаришда муҳим аҳамият касб этди. Ана шундай ғамхўрликлар натижасида яна бир ҳунарманд Латифжон Садриддинов каштачиликнинг йўқолиб бораётган қадимий турини қайта тиклашга муваффақ бўлди. У яратган маҳсулот республикамизда ҳар йили ўтказиб келинаётган “Базар-арт” кўргазмасида юқори баҳо олди. Уста қайта тиклаган Наманган каштачилигининг энг нодир турлари мамлакатимизда ташкил этилаётган халқаро кўргазмаларда нафақат юртимиз, балки хорижлик санъат ихлосмандларининг ҳам эътирофига сазовор бўлаётир.

Уюшмамиз тадбиркорларни хом ашё билан таъминлаш, уларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини ошириш, айни пайтда ҳунармандлар томонидан тайёрланган маҳсулотларни сотишда кўмаклашиш, ушбу йўналишдаги илғор тажрибаларни оммалаштириш бўйича фаол иш олиб бормоқда. Ана шу саъй-ҳаракатнинг самараси ўлароқ, ҳунармандларимиз меҳнати тобора қадр топиб бораётганлиги эътиборга моликдир. Уларнинг ижод намуналари кейинги пайтда жаҳоннинг бир қатор мамлакатлари, хусусан, Франция, Италия, Германия сингари давлатлардаги йирик кўргазмаларда намойиш этилди. Ёш уста Алихон Абдуғаниев ёғоч ўймакорлиги соҳасидаги ижодий изланишлари сабаб Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун ўтказилган “Ташаббус — 2011” танловининг республика босқичида совриндор бўлганлигини мамнуният билан айтиш мумкин.

Мамлакатимиз мустақиллигининг қутлуғ йигирма йиллик тўйи яқинлашаётган шу кунларда наманганлик уста ҳунармандлар яна бир қулайлик ва имкониятдан баҳраманд бўлдилар. Ёшларимиз ҳунармандчилик сирларини ўрганишлари, амалий ва бадиий санъат сирларини қунт билан эгаллашлари учун вилоятдаги “Ёшлар маркази”да “Уста — шогирд” мактаблари ва ахборот марказлари ташкил этилди. Бу эса халқ ижодиётининг бебаҳо меваси бўлган ҳунармандчиликнинг янада ривожланишида муҳим омил бўлиши, шубҳасиз.

**Икромжон КАРИМОВ,**
**Наманган вилояти**
**«Ҳунарманд» уюшмаси раиси.**

## ОБ-ҲАВО
**(7 июль)**



**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво булутли бўлади, ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 21-26, кундузи 39-44 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 21-26, кундузи 39-44 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво бир оз булутли бўлади, ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 19-24, кундузи 37-42 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари.** Ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 21-26, кундузи 39-44 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Тунда 19-24, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ёғингарчилик кузатилмайди. Ҳарорат тунда 21-23, кундузи 38-40 даража иссиқ бўлади.

**Республикамизнинг тоғли туманлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 14-19, кундузи 27-32 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

# Маҳорат синови

Спорт

Самарқанд вилоятининг Жомбой туманида чақирилувчи ва чақириққача бўлган ёшлар ўртасида “Ҳарбий-амалий кўпкураш” бўйича Ўзбекистон биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлардан ташриф буюрган 42 нафар спортчи узоқ масофага югуриш, баландликка сакраш, сузиш, ўқ отиш сингари бир неча спорт турлари бўйича ўз маҳоратларини синовдан ўтказдилар.

Муросасиз кечган баҳслар якунида Хоразм вилояти вакиллари умумжамоа ҳисобида биринчи поғонани эгаллашди. Кейинги ўринлар Наманган ҳамда Самарқанд вилоятлари жамоаларига насиб этди.

**М. ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «МУҚАДДАС ИДИШ» ХОСИЯТИ

***Ўзбекистон Давлат санъат музейида сақланаётган ноёб экспонатлардан бирининг остига “Муқаддас идиш” деган битик ёзилган. Ушбу идишни кўрганимда, болалигим ёдимга тушади.***

Маънавият

...Болалигимда жуда нимжон эдим. Бир куни елкасига качкул осган қаландар дарвозамиз олдига келиб тўхтади ва жуда ширали овозда ғазал ўқий бошлади.

— Машрабдан ўқияпти, — дедилар ўз давринниг ўқимишли аёлларидан бўлган бувим Тожинисо Ғулом қизи. — Тингла, болам, жуда чиройли ўқияпти.

Шундан сўнг бувим уйимиздан бир неча танга ва сув олиб чиқдилар ҳамда қаландарга “Неварам ҳолсизланиб юрибди, шу сувни качкулингизга қуйиб, тангалар билан чайиб берсангиз”, дедилар. Қаландар бувим айтгандай қилди ва менга качкулдаги ранги бир оз ўзгарган ва таҳир таъмли сувдан ичирди. Сувни ичгач, ўзимни яхши ҳис қила бошладим.

Йиллар ўтди, улғайдик. Институтни тугатгач, Ўзбекистон Давлат санъат музейига ишга кирдим. Шу ерда менга таниш, қадрдон качкулни учратдим. Унга “Муқаддас идиш” деб ёзиб қўйилганди. Унинг атрофига арабча ёзувлар ва нақшлар солинган бўлиб, бўйинга осиб юрадиган занжири ҳам бор эди. Мазкур идиш XIX аср ўрталарида Бухоро ҳунармандлари томонидан ясалган, ундан айнан беморларни даволаш, яъни табобат мақсадида фойдаланилган. Мис идишга солинган сув темир моддасига тўйинган ва камқон кишиларга фойда берган.

Ривоят қилишларича, араб ерларида жанг қилаётган Искандар Зулқарнайн қўшини орасида вабо тарқалиб, аскарлар бирин-кетин жон таслим қила бошлабди. Аммо саркардаларнинг ҳеч бири хасталанмабди. Бу ҳолдан ажабланган шоҳ саркардалар овқатланадиган идишларга эътибор берибди. Маълум бўлишича, уларнинг идишлари мис ва кумушдан ясалган бўлиб, бошқа аскарлар оддий идишларда овқатланишар экан. Шундан сўнг шоҳ оддий аскарлар учун ҳам мис ва кумушдан идишлар ясаттиради ва қўшинни муқаррар ўлимдан асраб қолади. Тарихий манбаларда ёзилишича, Нил дарёси суви таркибида кумуш эритмаси бўлиб, у вабонинг олдини олишда қўл келган. Сувдаги ушбу модда кумуш ва мис идишларда шифобахшлик хусусиятини сақлаган, оддий идишда эса оддий сувга айланган.

Қиссадан ҳисса шуки, ўтмишдан бизга мерос бўлиб қолган ҳар бир буюм ноёб бўлиб, халқ табобатида ҳам маълум ўрин эгаллайди. Уларнинг қадрига етиш, асраб-авайлаш ўз тарихи, маданияти ва санъатини қадрлаган ҳар бир инсоннинг эзгу аъмолига айланмоғи керак.

**Маҳмуд АҲМЕДОВ,**
**санъатшунос.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 754. 51824 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машрабоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.40 Топширилди — 23.30
1 2 3 4 5